



Шўроларнинг 1924 йилдан сўнг Туркистонда ташкил этган «миллий давлатлари»



1. Туркистонда шўро «Миллий давлатлари» шакллантирилишидан олдинги воқеалар
Русия ҳуқуқий ҳужжатларида 1924 йилгача Туркистонда «миллий давлатлар» тушунчаси бўлмаган. Туркистон шўро комиссарлиги 1917 йил ноябридан 1918 йил майигача ва Туркистон мухтор шўро социалистик жумҳурияти 1918 йилдан 1924 йил октябргача «миллий давлатлар» ҳисобланмасди. Бу кейинроқ «миллий давлатчилюжа ўтиш даври ҳисобланди. «Бу ўтиш босқичи Ўрта Осиё халқларининг миллий давлат тузишига тамал тоши қўйди» (Гордиенко, Создание, 68-6.). Шундай ҳолатда Туркистон мухтор шўро социалистик жумҳурияти миллатлараро давлат ҳуқуқи тушунчасидаги бир маҳаллий давлат эмас эди.

Туркистонни парчалаш ва Бухоро ҳамда Хоразм миллий жумҳуриятлари 1924 йили тугатилиш даврида бўлиб ташлаш сиёсатини оқлаш маъносида «миллий давлатчилик» қараши майдонга келди. Шўро раҳбарияти Туркистон шўро жумҳурияти ҳамда Бухоро ва Хоразм жумҳуриятларини йўқ қилиб, уларнинг ўрнига миллий шўро жумҳуриятлари барпо қилиш қарорига келгунга қадар, яъни 1920 йилдан бери Туркистон яхлитлигини бузиш учун баҳона ахтарар эди.

Шўро ҳукуматининг Туркистон комиссияси Москвадан олган мустабидлик ваколати (Лениннинг 1919 йил 12 ноябрда Туркистон комиссияси аъзоларига берган кўрсатмасида шундай дейилади: «Халқ комиссарлари шўросининг қарор ва буйруқларини Туркистонда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши учун халқ комиссарлари шўроси Туркистонга Элиава бошчилигида Кобозев ва Киселевлардан иборат 3 кишилик муваққат комиссия юбормоқда. Комиссия ёллаган шахсларни маҳкамаларига топшириш ваколатига ва шўро фаолиятига тўсик бўлаётган ташкилотларни йўқ қилиш каби фавқулодда ҳуқуқ ва ваколатга эгадир. Туркистоннинг маҳаллий ва вилоят амалдорлари

комиссия топширикларини тўла-тўқис бажаришлари талаб килинади. Комиссия аъзолари Харбий [ПТТ] ва алоқа воситаларидан марказий идоранинг фавкулудда вакили хукукидан фойдалана олади». Киёсланг: Ленин. О Средней Азии, 421-6.) билан 1920 йил 3 мартда Тошкентда Туркистонни бўлиб юбориш муаммосини ўртага ташлади. Фрунзе ҳеч қандай вазият ва шароитлар билан ҳисоблашмасдан, миллий масалани ишлаб чиқишни каттик туриб талаб қилди (Гордиенко. Создание, 149-6.). Улар ўз фикрини «майда буржуазия унсурлари кучли эканлиги» билан изоҳлади. Лекин 1920 йил 13 июнда Турккомиссияга қуйидагича кўрсатма берди: «1. Туркистонни (этнографик ва бошқа жихатлардан) Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркменистон тарзида бўлинган ҳаритасини яратиш. 2. Бу уч гуруҳни қўшиб юбориш ёки ажратиш ташлаш учун шароитларни атрофлича аниқлаш» (Ленин. О Средней Азии, 50-6.). Худди шу кунини Ленин яхлит Туркистон жумҳурияти ҳақидаги Рискул лойиҳасини рад этган эди. 1920 йил 22 июнда Ленин Туркистонни бўлиб ташлаш борасида шошилиш кераклигини билдирди (Чугаев. История национальногосударственного строительства, 392-6.). Шўролар 1920 йилдаёқ Туркистонни парчалаб ташлаш ниятида эди, фақат Туркистондаги сиёсий вазият бунга монелик қилиб турарди. Турккомиссия аъзолари Қуйбишев ва Фрунзе 1920 йили Москвага: «Хозирги сиёсий вазиятнинг ва Бухоро мавзусидаги шароитнинг кескинлиги Туркистондаги ички сиёсатни ва шу кунимиздаги ҳаракатлар натижасини қўриқлаш учун жуда катта диккатни ва тутум топилишини талаб қилади», - деб хабар юбордилар (Национальная государственность, 187-6.). Шўро бошчилари бундан сал вакт аввал ҳам бўлиб ташлашга зид бўлган сиёсат олиб боришга мажбур бўлган эди. РСФСР ҳукумати 1920 йил 23 майда Туркистон мухтор шўро социалистик жумҳурияти ўқийурига таяниб, Туркистонни ўзбек, туркман ва козоклар яшайдиган қисмларига бўлиниши ҳақида буйруқ чиқарди. Фақат қирғизлар масаласи эътибордан четда қолди. Таксимлашни рўёбга чиқариш учун қулай фурсат қутиларди. Бир шўро муаллифи парчаланишнинг дастлабки даври ҳақида шундай ёзади: «Юқорида зикр этилган буржуа миллатчилари (Ягона Туркистон жумҳуриятини яратишни ташвиқ ва талаб этганлар ҳақида) шўро иқтидорига қарши қурашларида шўро Русиясидаги барча туркча сўзлашадиган қавмларни бирлаштириб, ягона Турк жумҳурияти тузиш талабини ўртага ташладилар. Бу талаб миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳақидаги компартиянинг асосий принципига мос келмас эди. 1918 - 1920 йилларда Туркистон мухтор шўро социалистик жумҳурияти идора маҳкамаларига суқилиб кириб олган буржуа миллатчиларига қарши қурашда Турккомиссия тарихда илк бор миллий ўзига хос хусусиятларга таянган ҳолда Туркистонда янги бир идора тартиби тузишни такозо қилади» (Вахобов. Формирование... 387-6.). Асталик ва усталик билан «ўзбеклар, козоклар, туркманлар миллий манфаатлари» фикри сингдирила бошланди. 1920 йил 17 декабрда РКП (б) МК Туркистон бюроси Туркистон КП МК қошида «ўзбеклар, қирғизлар (яъни козоклар - муаллиф) ва туркманлар миллий шўбалари шаклланди» (Гордиенко, Творческая роль... 193-6.). Бу шўбаларга ўзига хос «вазифалар» юқлатилиб, шўроларнинг парчалаш режаси амалга оширилиши учун аввалдан зарур шарт-шароит хозирлана бошлади, бунга тўрт йилча вакт кетди. Бу орада турк уруғлари манфаатлари сунъий равишда чуқурлаштирилди. Бундай тадбирларга эътироз билдирган миллий қушлар қаршилиги синдириб турилди. Чунки руслар ҳокимлик қилган Туркистон КП МК ва РКП (б) МК Москва қизигидан қикмасди. Юқоридаги шўбалар 1921 йил 12 сентябрдан Туркистон мухтор шўро социалистик жумҳуриятининг Миллатлар халқ комиссарлигига бўйсундирилди. Бу халқ комиссарлиги, асосан, РСФСРнинг мухтор жумҳурият

доирасидаги ягона муассасаси эди. Зотан, РСФСРга бўйсунган бошқа бирор ўлкада бундай комиссарлик ҳам йўқ эди. Бу комиссарлик Сталин томонидан ташкил қилинган РСФСР Миллий ишлар халқ комиссарлигининг бир шўбаси хусусиятига эга эди. Бу комиссарлик Туркистондаги маҳаллий кавмларни бир-биридан айириш каби шўро раҳбариятининг бош лойиҳасини тўлиқ ижро этди ва бу йўлда жуда катта ташвиқот марказига айланди.

1921 йил августида РСФСР ҳукумати мазкур комиссарликка Туркистонни тақсимлашда «миллий ўзига хосликлар» ҳисобга олинишини тавсия этди ва бутун идора ишлари унинг зиммасига юкланди. Шундан сўнг 1921 йил 7 августда Хазар денгизи атрофи ўлкасининг номи «Туркман ўлкаси» деб ўзгартирилди. Киргиз [козок] мухтор шўро социалистик жумҳурияти ясаш учун 1920 йил 26 август қарорида «Туркистонга оид козок ерларини Козок жумҳуриятига қўшилиши» қарорлаштирилди (История коммунистической организаций, 919-920-6.). 1921 йилнинг 30 - 31 январида Туркистон шўро социалистик жумҳуриятига қўшилиши ҳақида қарор қабул қилган козок конгресси Авлиёотада тўпланди.

Партия ва давлат ташкилотларидаги миллий қаршилик гуруҳи Козогистоннинг Тўрғай, Окбўта ва Окмўла ўлкаларини Туркистон мухтор жумҳуриятига қўшилишини талаб қиларкан, шўро раҳбарияти ўзларининг Козогистондаги қўғирчок раҳбарларидан Сирдарё ва Ёттисув ўлкаларини Туркистон мухтор жумҳуриятдан талаб қилишга гижгижлади. Бу ўлкаларни ўзлаштириш учун 1922 йил 13 майда Козогистон шўро социалистик мухтор жумҳурияти марказий ижроия қўмитаси қошида бир комиссия тузилди (История... (9). 721-6.). Иккинчи томондан, Карасев каби рус коммунист раҳбарлари Урал ва Кустаной ви-лоятлари тўғридан-тўғри РСФСРга қўшилишини талаб қилиб чиқдилар (Очерки истории Коммунистической партии Казахстана, 201-6.).

Факатгина Турор Рискул ва унинг маслакдошлари Туркистоннинг яхлитлигини талаб қилиб чиқдилар (Степная правда» газетаси 25 февраль 1925 йилда ёзади: «Ўрток Рискулов РКП (б)нинг ҳозирги миллий сиёсати принципларини ўзгартириш учун маълум миллатлараро конгрессларда доимо: 1) миллий қўшин тузилиши; 2) миллий сиёсат юргизиш; 3) келгиндилар колонистлар сифатида ердан фойдаланиш ҳуқуқларини бекор қилиниши ёки уларнинг ҳуқуқини чегаралаш; 4) бутун Шарқнинг, бир томондан, Гарбий Оврўпо капитализмидан, иккинчи томондан, шўро Русияси сиёсати ҳукмронлигидан қутқариш учун бирлашишни талаб қиларди». Киёсланг: Очерки истории, (11), 202-6.).

1922 йил июлида Пишпақда қўпчилиги қирғизлардан иборат бўлган шўроларнинг конгресси очилди. Бунда шарқий қирғизларнинг мухторият ҳақи тан олиниши қарорлаштирилди, аммо Ёттисув ўлкаси коммунистик партия қўмитаси бу қарорни «буржуа миллатчилиги бўёғига бўялган ўткинчи бир характерга эга» тақлиф сифатида рад этди. Москва қўрсатмаси билан 1921 йили Туркистон шўро социалистик мухтор жумҳурияти комиссарлар шўроси қошида «Туркистоннинг асосий халқлари ҳаётини ўрганиш учун «илмий комиссия» тузилди. Бу комиссияни бошқариш собиқ Туркистон бош волилигида фавқулодда имтиёзларга эга бўлган шарқшунос Кунга топширилди. Бу одам 1921 - 1923 йилларда «Ўзбеклар, козоклар ва туркманлар» шаклида бўлинган бир этнографик харита ҳозирлади. Бу лойиҳа тайёрланиш жараёнида, яъни 1922 йилда шўро раҳбарияти Кавказ, Украина, Белоруссия ва Рус шўро федератив социалистик жумҳурияти каби мустақил жумҳуриятларни бир иттифокхолига келтириш ва бу қўшиб олиш сиёсатини қандай номлаш муаммоси билан машғул эди. 1922 йил 10 августда Сталин бу жумҳуриятларни РСФСРга «мухторият ҳуқуқи билан» бирлаштириш, Шарқий

жумхуриятлар Бухоро ва Хоразм билан эса харбий, ташки савдо, ташки сиёсат, бож масалаларида турли шартномалар тузишни таклиф килди. Бу таклифни Русия КП (б) МК комиссияси 23-24 сентабрда тўлалигича қабул килди. 1922 йил 27 сентабрда эса Ленин бу таклифга қарши чиқди. У «мухториятлар ўрнига Русия шўро федератив социалистик жумхурияти билан бирга Оврўпо ва Осиё жумхуриятлари иттифоқини яратиш учун расмий бирлаштишни бошлаш» фикрини илгари сурди. Натижада, на Сталиннинг ва на Лениннинг таклифи қабул қилинди.

Шўроларнинг I Конгресси 1922 йил 30 декабрда шўро Социалистик жумхуриятлар иттифоқи (СССР) тузилганлигини эълон қилди. Бухоро ва Хоразм билан тузилиши лозим бўлган битим муаммосидан ҳдм воз кечилди. Уларни йўқ қилиш учун баҳона излаш бошланди. Шўро раҳбарияти Кавказ, Украина ва Белоруссия шўро жумхуриятлари тизгинини ўз қўлига тўлиқ олишга муваффақ бўлгунча, Рус шўро федератив социалистик жумхуриятдан кўра кўпроқ ваколатга эга бўлган шўро Социалистик Жумхуриятлар иттифоқи ҳукумати «таксимот» ва «қўшиб олиш» сиёсатини жонлантириб юборди.

СССР раҳбарияти 1924 йилда миллий кўзғолонларни ёппасига бостириб, давлат ва партия ташкилотларидаги миллатчиларнинг унини ўчириб ҳамда баъзи туркистонликларни ўз томонига огдириб олгач, энди Бухоро ва Хоразмни жумхурият сифатида мутлақо йўқ қилиш ҳамда Туркистонни ўзи билганича парчалаш замони этиб келганига қаноат ҳосил қилди. Москвадан келган фармон қолиб қолди. Руслар эски режаларини амалга оширишни тезлаштирди. Русия КП (б) марказий қўмитаси Ўрта Осиё бюроси билан бирга кўрсатма устига кўрсатма жўнатиб турди. Бўлиб юборишнинг тез шошилинич ўтказилгани қуйидаги тадбирлардан ҳам кўриниб турибди:

1924 йил 13 январда РКП [б] МК Ўрта Осиё бюроси 30 нафар фарғоналик маъмурнинг Фарғона мухториятини тан олиш ҳақидаги талабини рад этди.

31 январда РКП (б) МК Ташкилий бюроси «Ўрта Осиёда миллий чегараланишни тезлаштириш ваколатига эга бўлган» Рудзутакни Тошкентга юборишга қарор қилди.

26 февралда Ўрта Осиё бюроси Туркистонни таксим қилишни бошлашга қарор қилди.

3 мартда Ўрта Осиё бюроси вакили Межлаук Хоразм КП МК йиғилишида иштирок этиб, мазкур жумхуриятни йўқ қилишни талаб қилди.

10 мартда ТКП МК Ўрта Осиё бюроси ва Туркистон Мухтор шўро социалистик жумхурияти марказий ижроия қўмитасининг муштарак йиғилишида «миллий жумхуриятлар шакллантирилиши» лозимлиги билдирилди. ТКПнинг масъул қотиби В. Верейкин бу ерда қириш нутқи сўзлади.

23-24 мартда ТКП МКнинг умумий мажлиси таксимот муаммосини музокара қилди. ТКП МК Хоразм ва Бухоро масалалари билан ҳам шугулланишига тўғри қолди. 26 мартда Хоразм КП Туркман бўлимини Хоразм жумхуриятдан ажратишга қарор қилди.

5 апрелда ТКП қотиби А. Раҳимбой «Миллий жумхуриятлар тузилиши ҳақида» сиёсий бюрого ҳисобот хавола қилди.

10 апрелда Бухоро КП Бухорони «миллатларига» қараб ажратиш масаласи бўйича комиссия тузди. РКП (б) МК сиёсий бюроси Бухорони парчалаб юборишга қарор қилди.

13 апрелда Бухоро КП МК қотиби Мавлонбеков А. Бухорони «миллий ажратиш»нинг ҳолати ҳақида Ўрта Осиё бюросига ҳисобот берди.

19 апрелда ТКП МКнинг Ижроия қўмитаси РКП (б) МК сиёсий бюросининг тарихий 10 апрель қарорини амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилди.

5 майда Туркистонни парчалаш учун Ўрта Осиё бюросининг комиссияси йиғилиб, ўзбек,

туркман ва козок тагкомиссиялари тузилди.

10 майда мазкур комиссия ўз йигилишида Туркистон, Бухоро ва Хоразмни «миллий» асосда тақсимлаб, уларни бир Ўрта Осиё федерацияси атрофида уюштиришга қарор қилди.

4 майда ТКПнинг 8 конгресси бошланди. «Партия марказий органлари қарорлари мақсадга мувофиқ» деб топилиди. Рудзутак янгидан тақсим қилишни талаб қилди.

11 майда Ўрта Осиё бюроси қуйидаги қўрсатмани берди:

1. Туркистон, Бухоро ва Хоразм миллий ва ер нуктаи назаридан ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, бўлиниши лозим.

2. Ўзбек ва туркман жумҳуриятлари муスタқиллик ҳуқуқи билан шўро социалистик жумҳурияти сифатида СССР таркибига қиради.

3. Ўзбекистон ССР доирасида Тожикистон мухтор ўлкаси ва Қорақирғиз мухтор ўлкалари тузилиб, уларнинг ери ўзларига тегишли бўлиши масаласи очик қолдирилади.

4. Туркистон АССР козоклари Қозоғистон жумҳуриятига қўшиб берилади (йигилишда 11 нафар киши иштирок этиб, 7 овоз шу қарор фойдасига, 4 овоз қарши бўлди).

4 июнда РКП (б) МК ташкилий бюроси Ўрта Осиё бюросининг 11 майдаги тарихий қарорини тасдиқлади. 12 июнда РКП (б) Сиёсий бюроси Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг туркманлар яшайдиган қисмларидан «мустақил» Туркменистон жумҳурияти ва Бухоронинг ўзбеклар истикомат қиладиган қисмидан «мустақил» Ўзбекистон жумҳурияти ҳосил қилишга қарор қилди. Хоразм жумҳурияти туркманлардан ажратиб ташлангач, эски шаклда қолавериши лозим топилди.

26 июнда РКП (б) Ўрта Осиё бюроси август ойида партия аъзолари орасида ташвиқот ишлари бошлаб юбориш ҳақида қўрсатма берди.

15 июлда Ўрта Осиё бюроси тақсимотни ташвиқ қилиш йўлларини қўрсатди. Бунда ташвиқот халқ орасида 25 августдан то сентябрь охиригача олиб борилиши белгиланган эди.

31 августда Ўрта Осиё бюроси ташвиқот жараёнини қайтадан муҳокама қилди.

6 сентябрда Ер тақсимоти комиссияси вужудга келтирилган шўро жумҳуриятлари чегараларини ойдинлаштирди.

15 сентябрда Туркистон мухтор шўро социалистик жумҳурияти марказий ижроия қўмитаси фавқулодда бир йигилиш ўтказиб, мазкур жумҳуриятни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

16 сентябрда Ўрта Осиё бюроси янги тузилган шўро жумҳуриятларини бошқариш масалаларини музокара қилди.

20 сентябрда Бухоро конгресси Бухоро жумҳуриятини йўқ қилиш ҳақида қарор қабул қилишга мажбур қилинди. 25 сентябрда РКП МК Сиёсий бюроси яна бир марта

Туркистоннинг тақсимотини қўриб чиқди ва Қуйбишев бошчилигида бир комиссия ташкил қилди.

29 сентябрдаги Хоразмнинг 5 конгресси ушбу жумҳурият йўқ қилиниши ҳақида қарор қабул қилишга мажбур бўлди. 6 октябрда эса Москвада Ўрта Осиё маъмурлари вакиллари билан учрашув уюштирилди.

11 октябрда РКП МК сиёсий бюроси яна тақсимотга доир қарор чиқарди. Қорақалпоқ мухтор ўлкаси Қозоғистон мухтор жумҳурияти доирасида ташкил этилиши маъқул деб топилди. Хоразм жумҳуриятини батамом йўқ қилиш буйруғи берилди. 14 октябрда СССР ҳукумати Туркистон мухтор шўро социалистик жумҳуриятини бекор қилди.

27 октябрда СССР Марказий ижроия қўмитаси Ўзбекистон ва Туркменистон

жумхуриятлари билан бирга Ўзбекистон доирасида Тожикистон шўро социалистик мухтор жумхурияти ва РСФСР доирасида Коракиргиз мухтор жумхурияти ташкил килинганлигини расман эълон қилди (Бу қарорноманинг хронологияси ва мундарижаси ушбу манбалардан олинди: Гордиенко, Создание. 153 - 157 б.; История коммунистической организаций, (9), 713 - 734 б.; Вахобов. Формирование... 386, 396-6.; Национальная государственность, 187 - 190 б.; Чугаев, история (5), 390 - 402 б.; Hayit, Turkestan im XX Jahrh. 215 - 233 б.).

Қайд этиб ўтилган тадбирлардан кўриниб турибди-ки, Туркистонни, Бухорони ва Хоразмни «миллий ерлар» тушунчасига таянган ҳолда янгидан тақсим ва танзим қилиш учун қўлланилган ҳаракатлар Туркистон халқининг сиёсий иродасини сусайтириш мақсадига қаратилган. Акс ҳолда шўро тузуми йўлбошчилари Туркистонда турли хил миллатлар ташкил топиши учун бунча уринмас эди. Зотан, бу раҳбарлар ҳатто 1922 йилда ҳам хали «Бухоро ва Хива (Хоразм) жўғрофий нуқтаи назаридан Туркистоннинг бир бўлаги эканлигини» эътироф қилар... «Туркистон бошдан-бош бир яхлит дунё эканлигини» тан олар эдилар.

Шўро ҳукуматининг Туркистон мухтор жумхурияти билан Бухоро ва Хоразм (халқ жумхуриятлари) иқтисодий сиёсатини мослаштирувчи комиссияси 1922 йили қуйидаги фикрни баён қилган эди:

- 1) Бухоро, Хоразм ва Туркистоннинг маданий шароити, ишлаб чиқариш қучлари умумий хусусиятларига ва ўзаро боғлиқ муносабатларга эга;
- 2) Умумий тарих ва ижтимоий шароит заминидан вужудга келган бу жумхуриятларнинг демографик ва этнографик гуруҳлари Ўрта Осиёнинг бу қисмида моддий ва маънавий жиҳатдан бир бутунликни ташкил қилиб, маънавий маданияти муштараклиги кўзга ташланиб туради (Қасимов, Из истории организации, 20-6.).

Рус зиёлилари ва Туркистон бўйича мутахассислар «Туркистон» деган ном осмондан тушмаганлигини ҳдмда унинг бундай номланиши тарихининг ўзи катта илмий асосга эга эканлигини, бу ном билан ички Осиёдаги туркларнинг ўзаро алоқа иплари қайд қилинишини яхши тушунар эдилар (Монах Якиноф, Описание, 10-11-6.: «Хазар денгизидан то Куқунорғача бўлган ерларда ўтроқ ва кўчманчи бир қавм яшайди. Бу қавм туркча гаплашади ва ислом дини қонун қоидаларига амал қилади. Бу инсонлар ўзларини «турк» деб номлаб, яшаб турган жойларини «Туркистон» деб аташади». Girard, Memoire sur / Asie Centrale. Son Histoire ses populations, Ernest Leroux, Paris, 1875, 2-бет. Марказий Осиёда турклар яшаб, «Туркистон» номи шундан олингани маълумдир. Шўро иттифоқининг машҳур туркшунослари Е. Малов қуйидагича эътиборимизни жалб қилади: «Турклар бизнинг эрамыздан беш юз йил аввал қенг қўламда ҳозирги истикомат қилаётган жойлари-да яшарди». Киёсланг: Ф. Дебец, Проблема происхождения киргизского народа в свете антропологических данных, «Труды! Киргизской археологической экспедиции» асарида. - Москва, 1956, С 1, 76-6. Қозғистон КП МК биринчи қотиби Мирзоян (Болшевик, 1937, 41 сон) шундай дейди: «Туркистондаги ҳозирги шўро жумхуриятлари ягона бир миллатга мансуб уруғлардан бўлиб, Туркистон халқининг бўлиб юборилиши натижаси деган тушунчага олиб келади». Киёсланг: УТ, 1937, 88-сон, 4-6.).

«Туркистон» атамасидан воз кечиш, Бухоро ва Хоразм жумхуриятларини йўқ қилиш каби тадбирлар кейинроқ шўролаштириш, руслаштиришни авж олдириш учун асосий таянч нуқта бўлиб хизмат қилиши керак эди. Бухоро ва Хоразм деб аталишининг ўзи улуг бир ўтмишни эсга туширса, Туркистон деган атама туркларнинг яхлитлигини англатиб турар

эди. Булар ўз навбатида, руслаштириш учун катта тўсик эди. Шўро тузумининг фаол аъзосига айлантириш учун бу ердаги одамларни тарихий илдиэларидан узиб ташлаш асосий муддао эди. Туркистон парчаланаятган бир вақтда коэокларнинг вакиллари Ўрта Осиё федерацияси тузиб, унга Козогистон МЖ аъзо бўлиб киришини ёклаб чикди(Гордиенко, Создание, 158-6.). Шўро ҳукумати бу истакка ҳам розилик билдирмади. Бунинг боисини кейинрок рус мутахассис шундай изоҳдаган эди: «Ўрта Осиё федерациясини ташкил килиш миллатлар орасидаги алоқаларни назорат килишни сусайтириб, буржуа миллатчиларининг СССРга карши кураш воситасига айланиши ҳамда СССР ва буюк рус миллати билан бевосита ва якин муносабатда бўлишга тўскинлик киларди»(Режебов, Таджикская ССР, 152-6. Шўро ҳукуматининг парчалаш сиёсати шундай маъно берарди: «Асос эътибори билан шўролар миллий сиёсати хар бир мустамлакачининг эски дастури бўлган - «парчала - ҳукмрон бўласаняга жуда мос иш тутган. Киёсланг: Mehnert, Die Sowiet politik, 1957, 67-6.). Бу фикр таксимот сиёсатидан кутилган амалий максадни очик-ойдин ифода этиши билан характерлидир. Шўро иттифоки Марказий ижроия кўмитаси раиси М. И. Калинин «миллий ерлар асосидаги таксимот» хакида 1924 йили шундай деган эди: «Биз юкоридан туриб, ҳеч бир нарсани зўрлаб ўтказмаймиз. Бу айнан миллий давлатларнинг бўлинишига ҳам тааллуқлидир. Ўрта Осиё миллатларининг шўро ҳокимияти ва партия органлари бу бўлинишни миллий мустикал жумхуриятлар куриш учун халкхохишини инобатга олган холда амалга оширдилар. Биз бухохишни маъкулладик ва Марказий Ижроия кўмитаси йигилишида уни давлат конуни сифатида амал килишини таъминладик»(Национальная государственность, 189-6.).

Шўро иттифоки Марказий ижроия кўмитаси раиси Кавказ ёки бошка «миллий жумхуриятлар» тузилиши хакида шу пайтгача бундай баёнот билдирмаган эди. Факат Туркистон ва туркистонликлар учун бу хилдаги тушинтиришлар зарур деган хулосага келган эди. Хар холда юкоридан бўлган зўрлашни жуда бўлмаганда хаспўшлашни исташарди. Аммо савол тугилади: Туркистонни кавм, уруг асосида таксимлаш, яъни шўролар наздидаги миллатига караб бўлишнинг мутасаддилари ким? Улар ҳокимият тепасида турган руслар ва 10-12 кишидан иборат туркистонликлардан бошкаҳеч ким эмас. Норози одамлар ўз фикрини очик баён кила олмасди. Халк раъйини сўраб билиш ҳеч кимнинг эсига келмади. Яъни халкдан ҳеч ким «Туркистон бутун холича колсинми ёки парчалаб ташлансинми?» деб сўрамади.

РКП (б) МК Ўрта Осиё Бюроси Туркистоннинг турк коммунистлари органи эмасди. Аксинча, У Туркистон коммунистларини назорат ва тафтиш килувчи Москванинг бир органи эди. Орасида жуда кам сонли туркистонликлар бўлган шўро ҳокимияти органлари, гўё халк иродасини акс эттирувчи орган сифатида ҳукмронлик килардилар. Катъий карор кабул килингач, таксимот хакида халк орасида бир ой давомида ташвикот олиб борилди. Шунинг учун ҳам халк иродаси хакида бу ерда гап бўлиши мумкин эмас. Туркистонликлар шўро хоки-мияти органларида кўпчилик бўлганида эди, халкнинг иродасини кай йўсинда бўлса ҳам изхор этишга уринган бўларди. 1924 йили Туркистон жумхурияти марказий органларида махаллий кадрлар 17 % ни, вилоят органларида 14,5 % ни ташкил этарди(История коммунистических (9), 724-6.). Туркистон парчаланиш арафасида унинг 5 254 584 ахолисидан 15 550 туркистонлик ва 6 450 рус коммунистлар эди. Биронта марксистик китобда компартия аъзолари халк вакили хисобланиши хакида гап йўк. Аксинча, улар партияга шахсан кабул килинади ва улар ҳеч қачон партияга бирор халк гурухининг вакили сифатида кабул килинган эмас. Шунинг учун ҳам мазкур

«миллатига караб тартибга солиш» сиёсати факат хокимият тепасида турганлар иродаси эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Туркистонни парчалаш масалаларида РСФСРнинг Туркистон комиссияси ҳал қилувчи роль ўйнади. Унинг кўрсатмалари кетма-кет Ўрта Осиё бюросига етказиб турилди. Ўз вазифасини аъло даражада ўтаб бўлгач, РСФСР ҳукумати 1925 йил 16 январда Туркистон комиссиясини тугатди. 2 февралда эса СССР ҳукумати бу қарорни тасдиқлади (Уразаев, Ленин и строительство, 481-6.). 1924 йил 11 октябрда Ўрта Осиё бюроси қошида бир қелишув комиссияси тузилган бўлиб, у собиқ жумҳуриятларнинг (Бухоро, Хоразм ва Туркистон) аҳолиси, ер ва мулкни янги шўро жумҳуриятларига тақсимлаб бериши лозим эди. Бу комиссия 1925 йил февралда ўз фаолиятини «аъло» даражада адо этди. 1924 йил 5 ноябрда Туркменистон шўро социалистик жумҳурияти учун алоҳида Инкилоб кўмитаси тузилган бўлиб, айнан шундай кўмиталар 24 ноябрда Ўзбекистон ССР ва Тожикистон АССРда ҳам ташкил қилинган эди. Бу кўмиталар, табиийки, Москвадан берилган алоҳида имтиёزلарга биноан мазкур жумҳуриятларда вақтли ҳукумат бўлишига ва ваколатига эга бўлди. Уларнинг фаолиятини РКП (б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси партия ва шўро органи сифатида ўзаро мувофиқлаштириб турарди. Инкилоб кўмиталари янги жумҳуриятлар учун «ҳукуматлар» яратиш ва коммунистик партиялар ясаб бериш учун тайёргарлик кўришди.

Туркменистон масалалари учун яратилган Инкилоб кўмитаси 1924 йил 15 декабрида Туркистон халқидан сўраб-суриштириб ўтирмай, Шўро иттифоқи қонунлари тўғридан-тўғри Туркменистонда ҳам қўлдан қўйиб кўчириб олиниб (Мардиқов, Революционный комитет Туркменской ССР, ИАН, Турк. ССР, СОН, 1969, 4-сон. 40-6.). Холбуки, ҳали Туркменистон расман Шўро иттифоқида «қабул қилинмаган» эди. Туркменистон ва Ўзбекистон жумҳуриятлари факат 1925 йил 13 майда Шўро иттифоқи кенгашининг 3-конгресси томонидан Шўро иттифоқида қабул қилинди. Демак, шу фурсатгача Шўро иттифоқининг ҳар қандай қонуни бу икки «мураккаб миллий жумҳуриятга» киритилиши ҳеч бир ҳуқуқий меъёрга мос келмасди.

1925 йил 13-17 февралда Бухорода Ўзбекистон ССР шўроларининг биринчи конгресси бўлиб ўтди (Гордиенко, Создание, 193-6.; Уразаев, Ленин и строительство, 479-6. Сулейманова. История, 191-6. га кўра конгресс Эски Фарғонада бўлган.). Бунда СССР Марказий Ижроия кўмитаси хайъати раиси М. И. Калинин ҳам иштирок этди. Бу анжуманда Ўзбекистон ССР тузилганлиги расман эълон қилинди. Шўролар яратган дастлабки «қабилчилик давлатининг» давлат раиси ўқиш-ёзишни билмайдиган, лекин эзгу қалб эгаси ва миллий характери асрай олган одам - Йўлдош Охунбобо ўгли бўлди. Бош нозир вазифасига, узоқ ва кўп мунозаралардан сўнг собиқ Бухоро халқ жумҳурияти бош нозири Файзулла Хўжа тайинланди.

15-24 февралда Полторацкий (Ашхобод)да Туркменистон ССР шўроларининг I конгресси бўлиб ўтди. Бу ерда ҳам Туркменистон шўро жумҳурияти ташкил қилинганлиги расман эълон қилинди. Биринчи жумҳураис Н. Айтоқ ва бош нозир эса К. Отабой бўлди (Очерки истории коммунистической партии Туркменистана, 292-6.). Ўзбекистон ва Туркменистон шўро жумҳуриятлари раислари эълон қилинмасидан аввалроқ уларнинг коммунистик партиялари раҳбарлари ҳам маълум эди. Ўзбекистон КП Марказий кўмитаси биринчи қотиби Акмал Иқром (Иқромов), иккинчи қотиби В.Иванов бўлди. Туркменистон КП МК биринчи қотиби Холмурод Сахатмурод (Сахатмуродов), иккинчи қотиби эса Л. И. Межлаук бўлди.

Туркистон парчаланиши натижасида бу ернинг аҳолиси янги шўро «давлат» бирликлари

орасида куйидагича таксим килинди:

Туркистон мухтор шўро социалистик жумҳуриятининг жами аҳолисида 2 323 764 (умумий аҳолининг 49,6 %) Ўзбекистон ССРга; 350 000 - (аҳолининг 10,5 %)

Туркменистон ССР га; 1 468 724 (аҳолининг 18,3%) Козогистон АССРга; 135 665 - (аҳолининг 9,1 %) Тожикистон АССРга. (Бу мухтор жумҳурият Ўзбекистон таркибида эди); 714 648 - (аҳолининг 8,8 %) Коракиргиз (Киргизистон) АССРга (Бу жумҳурият РСФСР таркибида эди); 91 098 - (аҳолининг 3,7 %) Коракалпок мухтор ўлкасига ўтди (Бу ўлка Козогистон АССР таркибида эди).

Бухородан

1 319 498 (аҳолининг 59%) Ўзбекистон ССРга;

608 838 (аҳолининг 27%) Тожикистон АССРга;

313 101 (аҳолининг 14%) Туркменистон ССРгаўтди.

Хоразмдан

320 023 (аҳолисининг 50%) Ўзбекистон ССРга;

192 013 (аҳолисининг 30%) Туркменистон ССРга;

128 003 (аҳолисининг 20%) Коракалпогистон АССРга (Сулейманова, История, 1, 188-6.;

Vaidyanath, The Formation, 156-157-6.; Н. Балашов, Ўрта Осиёнинг иқтисодий жугрофияси, Тошкент, 1925, 25-бетга кўра, янги бўлинган қисмларда 3 714 860 ўзбек, 1 240 290 тожик, 1 120 680 козок, 625 010 туркман, 614 550 киргиз, 12 000 коракалпок, 540 570 рус, 366 730 бошқа миллат вакиллари яшайди.) ўтди.

Парчалаш йўли билан Туркистоннинг жами 1 745 000 км² ери янги идора бирликларига бўлиб берилди. Ўзбе-кистон ССР идорасига Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм

жумҳуриятларида истикомат қилувчи 8 131 062 аҳолининг 5 миллионига яқини, яъни 57,9% кирди. Демак, бу парчалаш сиёсати натижасида ўзбеклар энг кучли халқ гуруҳи сифатида майдонга чиқди. Шундай қилиб, ўзбеклар худди илгаригидай бутун

Туркистонни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида ўз мавқеларини сақлаб қолдилар.

Туркистон ерида шаклланган Ўзбекистон ва Туркменистон жумҳуриятлари 1925 йилдан эътиборан СССРнинг ҳукми ва қарамоғи остига олинди. Козогистон АССР билан Киргиз ва Коракалпок мухтор ўлкалари тўғридан-тўғри РСФСР тасарруфида қолди.

Тожикистон мухтор шўро социалистик жумҳурияти 1926 йил 1 декабригача Инкилоб кўмитаси томонидан бошқарилди. Кейин Тожикистон шўро социалистик жумҳурияти деб эълон қилиниб, 1931 йил 5 декабридан бевосита Шўро иттифоқи Марказий ҳукумати томонидан бошқарила бошланди. Козогистон ва Киргизистон мухтор шўро социалистик жумҳуриятлари (Киргизистонга бу мақом 1926 йил 1 феврилида берилган) 1936 йил 5 декабрида иттифокдош социалистик жумҳурият даражасига кўтарилди ва шу йўсинда улар ҳам марказий ҳукуматга тобе бўлдилар. Коракалпогистон мухтор ўлкаси 1932 йили мухтор жумҳурият деб ўзгартирилиб, 1936 йили Ўзбекистон ССР қарамоғига ўтказилди. Шундай қилиб, Туркистон минтақасида шўролар таъбирича, мустақил 5та шўро социалистик жумҳуриятлар вужудга келтирилди. Туркистондаги «Шўро иттифоқи жумҳуриятлари»: Ўзбекистон, Козогистон, Киргизистон, Тожикистон ва Туркменистон турк халқлари номи билан аталган давлат бўлиб, Шўро иттифоқи томонидан «миллий давлат» деб эълон қилиниб, аслида эса маъмурий вилоятдан ҳеч бир фарқ қилмайдиган «давлатлар»дир. Бу бирор нарсани исбот қилиш учун келтирилган шундай далилга

ўхшайдики, унинг исботи учун яна бир далил зарур бўлади.

Др.Боймирза Хайитнинг"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан